

## МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Тошкент шаҳар

**Аудиторлик хулосаси йўлланди:** «O'ZMAXSUSMONTAJQURILISH» АК  
Тошкент шаҳри, А. Темур кучаси 25 уй  
х/р: 2021 0000 6001 2700 2001,  
"Даврбанк" ХАТБ Юнусобод филиали.  
МФО: 01122,  
ИНН: 201 221 898;  
телефон: (371) 209 34 05

**Аудиторлик хулосаси тузилди:** МЧЖ «IQTIDOR-AUDIT-INFORM» АТ  
Тошкент шаҳар, Яккасарой т-ни, Кушбеги куча 18 уй.  
Банк реквизитлари: ХАТБ «Даврбанк» Чилонзор ф-ли,  
МФО: 01046; х/р 2020 8000 2047 0802 1001,  
ИНН:206 952 776; ОКЭД: 69201.  
телефон: (+99871) 250-60-64.

Биз ««O'ZMAXSUSMONTAJQURILISH» Акциядорлик компаниясининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдандан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

*Компания раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги*

Компания раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек Компания раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

*Аудиторнинг жавобгарлиги*

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб – таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, компания ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб – таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикри**

Бизнинг фикримизча, «O'ZMAXSUSMONTAJQURILISH» Акциядорлик компаниясининг 2021 йил 31 декабрда тугаган йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган.

**МЧЖ «IQTIDOR-AUDIT-INFORM»  
АТ Бош директори:**



*Handwritten signature in blue ink, appearing to read 'F. Nazirkulov'.*

**Ф. Назиркулов**